

Аҳмедова Дилфузা – ТошДШИ,
Филология фанлари доктори

ФОРС ТИЛИ ПУБЛИСТИК УСЛУБИДА СИФАТЛАР ФУНКСИОНАЛ СТИЛИСТИК ХОСЛАНИШИННИНГ НАМОЁН БОЛИШИ

Аннотация. Мазкур мақоладан кўзланган мақсад форс тили газета матнларида қўлланувчи сифатларни ажратиб олиш, уларнинг лексик-грамматик разрядларини аниқлаши; туб ва ясама сифатларни семантик гурухларга ажратиш ва уларнинг газета матнларида қўлланишида ўзига хос хусусиятини аниқлашдан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: публицистик услуб, газета публицистикаси, газета матнлари, сифат, туб ва ясама сифат, семантик гурух.

Аннотация. Целью данной работы является выявление особенностей употребления имён прилагательных в текстах современных СМИ, в материалах региональной прессы Ирана и определение их стилистических функций.

Опорные слова и выражения: публицистический стиль, газетно-публицистический стиль, газетный текст, имя прилагательное, качественные и относительные прилагательные, семантическая группа.

Abstract. The purpose of this work is detection of features of the use of adjectives in texts of modern media, in materials of the regional press of Iran and definition of their stylistic functions.

Keywords and expressions: publicistic style, newspaper publicistic style, newspaper text, adjective, descriptive and relative adjectives, semantic group.

Хозирги кунда газета, илгариға нисбатан ўқувчининг ижтимоий тажриба ва коммуникатив заруриятларидан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчига мослашишга ҳаракат қилмоқда. Шундан келиб чиқиб газета тилида ҳам аудиторияга мослашиш мақсадида маълум ўзгаришлар, силжишлар юз бермоқда¹.

Максимум информативлик илмий ва расмий услуга хос бўлса, максимум эмоционаллик назмий ва насрий матнларга хосдир. Газета тили эса ҳар иккала чегарани ҳам қабул қилмайди. Чунки берилаётган маълумотда эмоционал таъсир бўлмаса, бу маълумот зерикарли бўлиб, ўқувчидаги етарлича қизиқиши уйғотмайди. Аксинча маълумот аниқ далилларга асосланмай, фақат ҳиссиётларга таянилган бўлса ҳам, бу маълумотни ўқувчи қабул қилиши қийинлашади.

¹ Нестерская Л. А. Языковые средства формирования оценочности в современной публицистике // Язык, сознание, коммуникация. – М., 2002. – С. 171.

Газета матнларида сифатлар услубий жиҳатдан ўзига хос аҳамият касб этади. Даврий матбуотда журналистлар мақола тайёрлаш жараёнида ўзининг услубини яратишга уринадилар ва бу жараёнда ўз услугуга хос сифатлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Маълум бир воеа-ҳодисалар эмоционал бўёқдор воситалар билан бойитилган бўлса, янада қизиқарли бўлади. Бирор маълумотни образли етказишида муаллиф, албатта, сифатлардан фойдаланади.

Сифатлар ижобий ва салбий жиҳатларни ёритиб беришга хизмат қиласди. Бирор мақола тайёрлашда журналистлар ўз материалига эмоционаллик бағишлиш мақсадида ҳар иккала жиҳатларни ёритувчи сифатлардан фойдаланадилар.

Сўз туркумлари стилистик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотларни кузатиш жараёнида сифат сўз туркуми газета матнларининг релевант компоненти сифатида талқин қилинади ва бу сифатнинг шахс, предмет ёки ҳодисани аниқлаш вазифасини бажариши билан изоҳланади. Лекин форс тили газеталари таҳлили натижасида форс тилида сифатларнинг газета матнларида фаол қўлланиши кузатилмади. Буни эса газетанинг қисқалик ва аниқликка асосланиши билан изоҳлаш мумкин.

Туб ва ясама сифатларнинг услубий имкониятлари газета матнларида ҳар доим ҳам бир хил эмас. Газета матнларида туб сифатлардан кўра ясама сифатларнинг қўлланиши сермаҳсул. Буни ҳозирги кундаги хаёт тарзининг тез ривожланиши ва унда янги сўз ва тушунчалар пайдо бўлиб бораётгани, буларни ифодалаш ва аниқлашга янги воситалар зарурати билан асослаш мумкин.

Газета матнларида сифатларнинг қўлланиши борасидаги яна бир жиҳати унда маълум семантик гурухга оид сифатларгина қўлланади. Масалан, бадиий услугуб ёки оғзаки услубда кенг қўлланувчи сифатлар газета матнларида қўлланиши каммаҳсул ёки умуман қўлланмайди. Масалан, бирор шахснинг белги-хусусиятни билдирувчи **شوخ** “шўх”, **مهرбан** “мехрибон”, **خوشگل** “гўзал”, **چرойли** “чиройли”, маза билдирувчи **شور** “шўр”, **خوشمزه** “мазали”, **زیبا** “ширин”, **شیرین** “ширин”, кишиларнинг жисмоний белгиларини билдирувчи **پیر** “қари”, **لاعرا** “оғзин” каби сифатлар газета матнларида деярли қўлланмайди.

Тўпланган мисоллар таҳлили натижасида газета матнларида характер хусусияти **خوب** “яхши”, **دو** “ёмон”, **جائب** “қизик”, **پاک** “тоза”, ҳолат **کامل** “тўлиқ”, ташқи ҳажм **نات** “капта”, **کوچك** “кичик”, ички ҳажм **واسع** “кенг”, **تىرىپ** “тор”, **چىڭىز** “чукӯр”, масофа **دور** “узоқ”, **نەزىدەك** “яқин”, ҳарорат **گرم** “иссиқ”, **سەرد** “совуқ” белгисини билдирувчи сифатларнинг қўлланиши фаоллиги маълум бўлди.

Таҳлиллар натижасида шу нарса аниқландиди, форс тилида газета матнларида қўлланган сифатларнинг асосий қисми кўп маъноли сифатлар бўлиб, газета матнларида фақат муайян бир маънода қўлланади. Газета сахифаларида қатнашган сифатлар айнан қайси маънони англатиб келиши контекст асосида аниқланади. Аксар ҳолатда меъёрий тилда англатган маъно билан газета тилида

англатган маъноси бир-биридан фарқ қиласди. Бунда сифатларнинг услубий оҳонги намоён бўлади.

Клан сифати газета матнларида “улкан, буюк, йирик, маҳкам, мустаҳкам, юқори” каби маъноларни англатади. Бу сифат сўзлашув услубида фаол қўлланиши билан бир қаторда, газета матнларида неологизмлар таркибида кенг қўлланиши ушбу сифат учун характерли ҳолат. Бу сифат “план-тация” “план штазар”, “план земин лрзех”, “план фурорд”, “план Рише”, “план зилзила” каби қўшма сўзлар таркибида қўлланади.

ЛАЗМ АСТ МАДИРИЯТ КЛАН КШОР НИЗ АМНИЙТ СРМАИЕ ҒАЗАРИ ГАҲИРДА ВО КЛАН РА ТАМИН ВО ТПСМИН КНД

Мамлакат юқори ташкилотлари ҳам катта ва кичик сармоя киритиш хавфсизлигини таъминлаши зарур.

АОДГІ МАХИТ ЗИСТ БЕ ВИҖЕ ХОА ИКИ АЗ МУПСЛАТ БСИЯР ЖДИ ШЕРГАҲАИ КЛАН ВО ПРЖУИТ ДИЯ АЗ
ЖМЛЕ ТЕРЕН АСТ

Экология, айниқса, ҳавонинг ифлосланиши мегаполислар, шу жумладан Техроннинг жиоддий муаммоларидан саналади.

Шу билан бирга, “афсадади клан” “макро иқтисодиёт”, “макрокосм, макро олам”, “клан аклий”, “макроанатомия”, “макроиқлим”, “кландананси клан”, “макроэлемент” каби бирикма ва қўшма сўзлар таркибида “макро” маъносида, клан фурхти, клан снг “мегаполис”, “мегалит”, “клан шаҳр” “мега чегирма”, “мегапорт” каби бирикма ва қўшма сўзлар таркибида “мега” маъносида қўлланади.

ЖДИ – “жиддий, муҳим, аҳамиятга молик” маъноларини англатади. Сўзлашув услубида бу сифат, асосан, инсон характерини ифодалашда қўлланса, газета матнларида “аҳамиятга молик, муҳим” маъносида қўлланади.

ФУАЛИТ ҚРОВЕ ГАҲИРДА ВО КШОР АСТ

Террористик групкалар фаолияти икки мамлакат учун жиоддий хавф саналади.

САЛМ – “тани соғ”, “соғлом”, “фойдали”, “тоза”, “нормал”, “тўғри”. Газета матнлари мазкур сифатнинг “соғлом” физиологик белги маъносида қўлланиши каммаҳсул бўлиб, асосан, унинг кўчма маънода қўлланниши кузатилди.

Газета матнларида унинг “рекабт салм” “соғлом ракобат”, “одил сайлов”, “тоза сув”, “тоза ҳаво”, “тоза ҳаво”, “фойдали овқат” каби бирикмаларда қўлланиши сермаҳсул.

ХМЕ ҔШМ АНТЕЗАР АНТХАБАТ УДЛАНЕ ВО РЕКАБТ САЛМ ҲСТНД ВО АИН МЕМТРИН МОПСОУИ АСТ КЕ МА ДР
ПИШ ДАРИМ.

Барча одилона сайлов ва соғлом ракобатни кутмоқда ва бу бизнинг энг муҳим мақсадимиздир.

کارهای این دولت عجیب و غریب است. نه به آن روزی که نمی شد نفس بکشیم و مدارس را تعطیل نکردند نه به اینکه در شرایط هوای سالم دو روز مدارس را تعطیل و ساعت کاررا دو ساعت به تأخیر آنداختند.

Бу давлатнинг ишилари қизиқ. Нафас олиб бўлмайдиган кунларда мактабларни ёпмай, ҳаво тоза бўлган кунлари мактабларга таътил бериб, иш вақтини икки соатга қисқартирдилар.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари, газета матнларида سالم сифатининг антоними ناسالم шакли ҳам учрайди.

کیفیت هوای تهران از ابتدای هفته چاری تا کنون در شرایط ناسالم برای گروه های حساس قرار گرفته است.

Жорий ҳафта бошидан бугунги кунга қадар об-ҳавога таъсирчанларга нисбатан Техрон об-ҳавоси носоғлом ҳолда сақланиб қолмоқда.

— “очиқ, ошкор, оммавий” сифати, асосан, расмий матнларда қўлланади.

وکلای ملت با 120 رای موافق، 21 رای مخالف و 8 رای ممتنع از 194 نماینده حاضر در صحن

علنی، کلیات این طرح را مصوب کردند

194 та депутаттарнинг 120 та тарафдор, 21 та қаршии ва 8 та бетараф овозидан иборат очиқ овоз бериши йўли билан бу қонун кодекси тасдиқланди.

نشست علنی دیروز مجلس شورای اسلامی در حالی به پایان رسید که وکلای ملت طرح چرم سیاسی

رساندند تصویب به را

Парламенттинг кечаги очиқ мажлиси депутатларнинг сиёсий жиноят ҳақидаги қонун лойихасини тасдиқлашлари билан якунланди.

سنگىن – “*оғир (вазн бўйича); оғир, қийин, малол келтирадиган; оғир (мұхим); кучли; тошдан ясалган; оғир-босиқ, вазмин (одам); киммат*”.

مجازى – “мажсозий, күчма, сохта, виртуал”.

Ушбу сифат газета матнларида “**виртуал**”, “**банк мажзи**”, “**فضای مجازی**”, “**дамай мажзи**”, “**виртуал ассистент**”, “**виртуал ҳарорат**”, “**дистиар мажзи**”, “**виртуал жанг майдони**”, “**виртуал каталог**” деген терминдердің орнандырылған түрлері болып табылады.

“виртуал ҳавола”, “شبکه خصوصی مجازی” “хусусий виртуал тармоқ”, “виртуал сканер”, “گردشگری مجازی” “виртуал сайёхлик”, “виртуал синов”, “واقعیت مجازی” “виртуал воқелик” каби бирикмалар таркибида қўлланиб, асосан, “виртуал” маъносини англатиб келади.

Бу сифатнинг “кўчма, сохта, мажозий” каби маънолар англатиб келиш ҳолатари газета матнлари мисолида кузатилмади. Бу маънолар, асосан, бадиий ва илмий услубда қўлланиши “معنى مجازی” “تغیرات مجازی” “маъно کүчии” каби бирикмаларда келган ҳолларда кўринади.

Такъ – “аҷчиқ, аянчли, қайғули”. Бу сифат газета матнларида “аҷчиқ” маъноси таъмга нисбатан қўлланиши деярли учрамай, фақат “аянчли, қайғули” маънолари кенг қўлланиши билан характерланади.

Форс тили газета матнларида сифатларнинг қўлланиши борасида олиб борилган кузатувлар натижасида қўйидаги хулосалар келиб чиқади:

- форс тили газета матнларида сифатлар қўлланиш жиҳатидан релевант компонент ҳисобланмайди;
- газета матнларида сифат грамматик шаклларидан ясама сифатлар туб сифатларга нисбатан сермаҳсул қўлланади;
- газета матнларида қўлланиш сифатларнинг барча семантик гурухлари-га хос жиҳат саналмайди;
- фақат газета публицистик услубида қўлланадиган сифатлар аниқланмаган бўлса-да, кўп маъноли сифатларнинг газета матнларида айнан фақат маълум бир маъносидагина қўлланиши маълум бўлди;
- ижтимоий-сиёсий матнларда сифатлар қўлланишининг миллий ўзига хослиги қўйидаги омилларга асосланади: давлатнинг маъмурий тузилиши, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол, миллий менталитет, миллий ижти-моий онгдаги ўзига хослик.